

# АКСИОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ФОРМИРОВАНИЮ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ

*к.п.н., доцент, Абдуллаева Насиба Джурсаевна  
Кафедра общей педагогики  
Андижанский государственного университета*

**Аннотация:** в данной статье основное внимание уделяется понятиям аксиологии, науки о ценностях, ответственности и методам формирования аксиологического подхода к формированию педагогической ответственности у будущих учителей.

**Ключевые слова:** аксиология, ценностная наука, образование, педагогика, будущий учитель, ответственность, аксиологическая культура

## AXIOLOGICAL APPROACH TO THE FORMATION OF PEDAGOGICAL RESPONSIBILITY AMONG FUTURE TEACHERS

*Abdullayeva Nasiba Juraevna  
Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor  
Department of General Pedagogy of Andijan State University*

**Abstract:** this article focuses on the concepts of axiology, the science of values, methods of forming an axiological approach to the formation of responsibility and pedagogical responsibility in future teachers

**Keywords:** axiology, value science, education, pedagogy, future teacher, responsibility, axiological culture

Бутун дунёда кадр ва кадриятлар тўғрисидаги фан — аксиология, яъни кадриятшунослик деб юритилади.

Сўнгги йилларда қадриятлар билан боғлиқ масалалар кўлами кенгайиб бормоқда. бу соҳада хилма-хил қарашлар пайдо бўла бошлади. Аксиология ўзининг тушунча ва категорияларига эга бўлган фалсафий билимларнинг муайян соҳасига айланди.

«Қадриятшунослик» анча йиллик тарихга эга бўлсада, бу йўналишдаги фан - аксиология ўтган асрнинг ўрталарида шаклланди. “Аксиология” атамаси илмий билимлар соҳасига ўтган асрнинг иккинчи ярмида немис ва француз олимлари томонидан киритилган. Ғарбда бу атама грекча «ахио» (қадрият) ва «logos» (фан, таълимот) тушунчаларини англатади. Демак Аксиологияни қадриятлар тўғрисидаги фан ёки тўғридан-тўғри қадриятшунослик деб номлаш мумкин. Аслида фанларга ўз номини белгилашда таянч тушунчалар асос бўлади. Шундай экан “қадрият” тушунчаси “қадриятшунослик” атамаси учун асос бўлади. Муайян фанни илмий билимларнинг махсус соҳаси сифатида қараш унга хос мавзулар, тушунчалар, категориялар, қонунлар борлигини эътироф этишни заруратга айлантиради.

Қадриятшунослик аксиологик онг, қадрлаш туйғуси, қадриятли ёндашув ва бошқалар асосида тўпланган қадриятлар тўғрисидаги билимлар жамланмаси ҳисобланади.

Юртимизда таълимнинг ҳозирги ривожланиш босқичидаги асосий уч масала устувор вазифа ҳисобланади: Ёшларни муносиб вояга етказиш; ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш; ёшлар фаолиятини рағбатлантириш.

Шу маънода бўлажак ўқитувчиларни ёшларни тўғри тарбиялаш, уларда масъулият ҳиссини шакллантириш, муносиб вояга етказиш, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва фаолиятини рағбатлантиришда аксиологик маданият муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Олий таълим тизими жараёнида бўлажак ўқитувчиларда педагогик масъулиятни шакллантиришга аксиологик ёндашув масаласига муаммо сифатида қарашимиз мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Бўлажак ўқитувчиларда педагогик масъулиятни шакллантиришга аксиологик ёндашувни йўлга қўйиш орқали биз ўзлигимизни, миллий ҳамда умуминсоний кадрятларимизни, урф одатларимиз ва анъаналаримизни юксалтирган бўламиз.

Аксиология - бу кадрятлар тизими бўлиб, бу тизимни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Яъни миллий кадрятлар, умуминсоний кадрятлар.

Миллий кадрятлар бирор миллат (халк)га хос урф одат ва анъаналар каби, умуминсоний кадрятлар эса бу нсониятга тааллуқли идеал мўлжаллар ҳисобланади. Миллий кадрятлардан умуминсоний кадрятларни фарқлаш қийин. Мисол учун, ватанпарварлик ҳам миллий, ҳам умуминсоний кадрятларга мисол бўлиши мумкин. Айни пайтда, халкимизга хос бўлган оилапарварлик, болапарварлик, инсонпарварлик, халкпарварлик, ватанпарварлик каби миллий кадрятларни ёшларимиз онгига, этиқодига сингдиришимиз керак. Бу масалани ечимини топишда бизга бўлажак ўқитувчи, педагоглар ёрдамига таянамиз. Биз бўлажак ўқитувчиларда педагогик масъулиятни шакллантиришда аксиологик ёндашувни йўлга қўйсак, шу орқали миллий маданияни, инсонийлик маъсулиятни келажак авлодга етказишда қийинчилик туғилмайди.

Аксиологик маданият деганда ўзи нимани тушунамиз— бу шахсга миллий ва умуминсоний кадрятларни тушунтириш, сингдириш ва уни тарғибот қилишга ўргатиш деб қараш мумкин. Масъулиятлилик дегандачи -?

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик масъулиятни шакллантириш уларни аксиологик маданияти миллий, умуминсоний кадрятларни билиш, ўзгаларга етказиш, сингдириш ва бутун фаолияти давомида кадрятларни тарғиб қилиш усулларини шакллантириш ҳамда кўникма ҳосил қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу вазифани бажаришда талабаларга – бурч, вазифа, масъулият, эътиқод ҳамда миллий, умуминсоний қадриятлар бўйича назарий билим бериш, уларни бола шахсга сингдириш усулларини билиш ва қўллашга ўргатиш зарур.

Бунда бизга педагог олимлар фикр мулоҳаза ва қарашлари ёрдамга келади. Улар ўз асарларида инсонни масъулиятли бўлишида таълим тарбиянинг ўз ўрни борлигини, айниқса аксиологик ёндашув асосида ташкиллаштиришни таъкидлашади. Вахоланки бўлажак ўқитувчи педагогларда масъулият ҳисини шакллантиришда аксиологик ёндашувнинг ахамияти бирламчи ҳисобланади. Шу жиҳатдан бўлажак ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишда аксиологик маданиятини шакллантириш таълим ва тарбиянинг қонуниятларига асосланади. Бу қонуниятлар қуйидагилардан иборат:

- тушунтириш;
- ўргатиш;
- қуроллантириш.

Бўлажак ўқитувчи педагоглар мазкур қонуниятлар асосида масъулиятлилиқ ҳамда аксиологик маданиятга эга бўладилар.

Бу ёндашувда таълим жараёнининг вазифаси қуйидагича:

- 1) касбий тайёрлаш;
- 2) фаолиятга ўргатиш.

Касбий тайёрлаш тушунарли, фаолиятга тайёрлаш эса мураккабдир. Фаолиятга тайёрлаш ижтимоий замон талабларига мос равишда фаолиятга тайёрлашдир. Шу маънода олий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг аксиологик маданиятини шакллантириш фаолиятга тайёрлаш вазифасига киради. Яна бир муаммо олий таълим жараёнида фанлар тизимининг кенг қўламлигидадир.

Шу маънода бўлажак ўқитувчиларнинг аксиологик маданиятини шакллантириш воситалари белгиланиши заруратини келтириб чиқаради.

Бундай воситаларнинг асосийларини қуйидагилар ташкил қилади:

- Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларда масъулият хиссини шакллантириш учун ижтимоий - гуманитар фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш;
- касбий - педагогик фанларнинг мустакил таълим йўналишига педагогик аксиология мавзуларини киритиш;
- талабаларда масъулилик, бурч эътиқод тушунчалари ҳамда аксиологик маданиятни оммавий тарғибот қилиш;
- дарс ва дарсдан ташқари вақтларда мунтазам равишда аксиологик маданият масаласига доир кичик илмий анжуманлар, семинарлар ўтказиш;
- “Бўлажак ўқитувчиларда масъулият хиссини шакллантиришда аксиологик маданият” махсус курсини ташкил қилиш ва х.к.

Бундай воситалар бўлажак ўқитувчиларнинг аксиологик маданиятини мақсадли шакллантириш имконини беради. Таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларда масъулият хиссини шакллантиришда аксиологик маданиятини шакллантириш механизмларимлари қуйидагилардан иборат:

- аксиологик маданият борасида турли танловлар ташкил қилиш;
- касбий фанларни ўқитишда махсус мавзулар киритиш;
- аксиологик маданиятни педагогик тарғибот қилиш ва унинг самарасини кузатиб бориш;
- иқтидорли талалабаларни “масъулиятлилик, аксиологик маданият” фаолиятига жалб қилиш ва х,к.

Мазкур меҳаназмлар бўлажак ўқитувчиларда масъулият хиссини шакллантиришда аксиологик ёндашув асос бўлади.

Таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг аксиологик маданиятини шакллантириш мезонлари сифатида қуйидагиларни такидлаш мумкин: аксиологик маданиятда оид билимга эга бўлиш, мазкур соҳада

тарғибот методикаси билан қуролланиш, аксиологик маданиятни талабаларда шакллантиришнинг самарасини мониторинг қилш.

Юқоридаги мезонлар бўлажак ўқитувчиларда масъулият хиссини шакллантиришда аксиологик маданиятини шаклланганлик даражасини аниқлаш имконини беради. Ушбу масала юзасидан илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибалар уйғунлиги асосида методологик тавсияларни шакллантириш лозим.

Олий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг тайёрлашда уларда масъулият хиссини ривожлантиришда аксиологик маданиятини шакллантириш шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда ўта муҳим масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” 2016
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” 2017
3. Қурбонов Ш. Таълимнинг янги қадриятлари. “Маърифат” 1999
4. Saidnazarova G Bo'lajak o'qituvchilarda kasbiy madaniyatini shakllantirishning pedagogik omillari//Ijtimoiy sohani modernizatsiyalash kontekstida pedagogic ta'lim taraqqiyoti: muammo va istiqbollari respublika - ilmiy amaliy anjuman materiallar.Buxaro
5. Ҳамраев Б.Т. Бўлажак ўқитувчиларда касбий этикодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида.// Ижтимоий соҳани модернизациялаш контекстида педагогик таълим тараққиёти: муаммо ва истикболлари республика илмий - амалий анжуман материаллар. Бухаро